



# ҚАЙТА ҚУРИШ ИДЕОЛОГИК ЖИХАТДАН ТАЪМИНЛАНСИН

# Э Н Г

## Б

Конференцияда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси П. Ҳабибуллаев нутқ сўзлади.

Бугун республикамыз кишлоқларда сиёсий ва иқтисодий таълим системасида янги ўқув йили бошланди. Янги ўқув йили таълимий жиҳатдан ва мазмунан ўтган йиллардагидан фарқ қилиб ўқув Маънавий ҳаётини қўллаб-қувватловчи «Меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқув» система-сини қайта куриш тўғрисидаги қарорига биноан бу йил сиёсий ўқишнинг аввалги 9 хилли ўрнига 5 та янги фор-малари тасвია этилди. Ўқишнинг демократик асосда таъхик этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Сиёсий ва иқтисодий ўқишнинг мазмунинда ҳам жидий ўзгаришлар бор. Ўқишнинг қайта куришнинг асосий макссадларидан бири ҳар бир масалга, мавзуга сиёсий ўқувта назардан ёндашиш ни таъминлашдан иборатдир. Ўқув йили мазмунига кура

**ХАММА**  
**НАРСА ТАХТ**

КПСС Марказий коми-  
тетининг «Меҳнаткашларин-  
инг сиёсий ва иқтисодий  
ўқув системасини қайта  
қуриш тўғрисида»ги қарори  
асосида район партия коми-

теги томондан ўқув амалдорлигини ошириш юзасидан комплекс тадбирлар йлани ишлаб чиқилди. Снеий ва иқтисодий ўқувга раҳбарлик қилиш бўйича район партия комитети, корхона ва ҳўжалик раҳбарларининг масъулияти оширилди. Аниққа, ўқувни қайта куриш қандай бораётгани район партия комитетининг VIII пленумида кўриб чиқилгани муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шундан кейин ўқувга қандай раҳбарлик қи

чиқариш билан узвий боғла олиб бораётган коллективларнинг ютуқлари эса қувончи бўлган. Буни коллектив ва бригада пудратини яхши ўзлаштириб олган «1-Май» совхоз чорводорлари фаолияти мисолида яққол кўриш мўкин. Бу ерда илгор усулнинг амалда қўриш этилиши туфайли махсуслот сифати сезиларли даражада яхшиланди ва умуман, 200 минг сўм иқтисод қилиш имконини берди.

боғлазалар тўла амалга ошмапти. Машғулотларни кўргазмили қуроллар ёрдами ўқитишга эътибор сола. Пропагандист ва лекторлар марксизм-ленинизм асарларига қамдан-қам мўрожаат қилишади.

Айни пайтда район партия комитети бундай қамчиларга барҳам беришга киришти. Аша шу мақсадда партия йнгилчиларида пропагандаистларнинг хисоботларини тинглаб ботири ва

булган тўғрисида яқин  
бўлим мушаррафларини ҳисоб  
қилиш бўлиб кетди. Райком  
борас аъзолари билан раё  
ропагандистларнинг учрашу  
влари ташкил этилди. Илг  
ропагандист ва лекторлари  
моддий ҳамда маънавий  
қўллаб-қувватлаб бориш йў  
ли бўлиб кўрилди.

Хўналик — юртишнинг янги усули — ўзини ўзи боқариши ва ўзини ўзи маънавий ҳал қилиш жараёни билан бир муҳим таъминот.

Лекин бу билан сиёсий ва иқтисодий ўқув бизда намунали ташкил этилган демок-

# ҰҚУВҒА ЧАНҚОҚЛИК

Нуриддин Каримов биринчи бўлимдаги иқтисодий таълим мактабидан уш Ялде-  
данидаги пропаганда-ист-  
тлик қилди. Қасби — та-  
галтер, изланувчан ва би-  
лимдон. Шу билан бирга  
унинг зиммасидаги жамоат  
тошқирғини ҳам енгил деб  
толмайди. Пропагандалик  
чўқур билим, ишонтириш  
санъати, қўнг ва маҳоратни  
талаб қилади. Айниқса, сов-  
хозимиз коллектив ва звено  
пудрати усулида ишлашга  
ўта ўтағач, иқтисодий таъ-  
лимга эҳтиж кескин ошди.

Тингловчилар янги усул  
сининг моҳиятини, афзаллиги  
ни чўқур билишни истайдн.  
Шу боисдан Н. Каримовга  
ҳар бир машғулотиш самар-  
аси ўтказиш, тингловчилар-  
нинг саволларига пухта жа-  
воб бериш учун ўз устидан  
қўш ишлашга, ўрганишга  
тўғри келди.

бажаришланти. Махсулот таннахри арзонлашиб, самардорлик ортди.

Пропангадистлардан А. Пирназаров, М. Жаломонов, Р. Шероф ҳам машгулотларни уз вақтида ва қизқиркил ўтказишга пухта тайёргар қилдилар. Сохот маъмурияти ва партия комитети ҳам бу масалани алоҳиди аҳамият берди. Иқтисодий ўқув бўйича тузилган кенгаши тажрибали мутахассислар саяланган. Биз йид бўли ҳар бир машгулотни ташкилди жихатдан пухта ўтишини назорат қилди борамиз. Маъмурият эса ҳар бир мактабни барча зарур қўлнамалар билан таъминлади.

Ҳанда сохотмики ишлаб чиқаришининг ўтган йиллардаги иқтисодий-социал фаолияти тула сарҳисоб қилин-

ди. Бундан уч йил муқад-  
дам ҳўжалик давлатдан  
қарздор эди. Икки йилдан  
буён ярим миллион сўмдан  
ошириб соф даромад олин-  
моқда. Совхоз экономикаси-  
нинг кўтарилишида пропа-  
гандистларнинг ҳам муно-  
сиб хиссаси бор. Шунинг

Пропагандист меҳнати машаққатли. Уни ҳаминча маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантириб бериш керак. Шу билан бирга ёшларнинг ўқувларида хизматлари, машғулотлари юқори савияда ўқушчилари учун барига зарур шароитлари яратиб бериш лозим. Ғуво йилда иқтисодий таълим бўйича кенгаш эътибори анча шу масалаларга қаратади. Лекин имкониётлариғиз анча чекланган. Қўтухоналарда иқтисодий билимларга доир адабиётлар жуда кам. Видеоаппаратлар эса озрунчилик қолмоқда. Район партия комитети, РАТО қўлланамалар билан бирга, яна таълимчиларга Оқоғабга бориб пропаганда-дистарга асосан ўқуғани ташкил этиш борасидагина ёрдам кўрсатгани. Эндигилеҳа муаммоларни тўла ҳал этиш пайти қелди.

**О. ҚУВЖОНОВ,**  
Конимех районидаги  
«СССР 60 йиллиги» сов-  
хозининг бош экономисти,  
иқтисодий таълим бўйи-  
ча кенгаш раиси.

Аноҳин сайлангандан кейин яхшилик сари ўзгаришлар намоён бўлмақда, аммо жараён ғайомтада секинлик билан бормоқда. Металлургиячиларнинг овқатланишини анча яхшилаш, ёрдамчи хўжаликни ривожлантириш зарур. Социалистик мусобақа ни ташкил этишда бир қолдипда усуллардан воз кечиш пайти келди. Ишчи корхонанинг барча қўсаткичларини билиши, истибқолини кўриб туриши керак. Шундангина у ўзининг умумий сафдаги ўрнини белгиди олади.

Партияга қабул қилишга тайёргарликни такомиллаштиришга қилинган даъват айтиш ўз вақтида янгради. Бу мавзунинг конференцияда тўзилган делегатлар мунозара клубининг аъзолари Н. Юсуповга айтиб беришди. Клубнинг 5 та секциясида демократиялаш, ошкоралик, ёшлар, экология муаммолари

Бошқа дегаллар, ҳам амалий сўз юртидлар, бун эса Бекобод шахар партия комитетининг биринчи секретари Э. М. Рузиев ўзининг ҳисобот докладида бошлар берган эди. Бекобод-саннат шахри. У ерда саннат мингдан кўпроқ аҳоли яшайди. Улар ўзларига эътибор берилишни талаб қилмоқда-лар. Шахр шахар шайхонларнинг қомоқоти, ташкилотнинг секретари М. Бузурукова: «Икки мингичи йилгача шахарнинг ҳар бир аҳолиси алоҳида кватиргага эга бўлишга ишонинг учун бизда асос йўқ», — деди. Уй-жой муаммоси ёшларни айниқса қаттиқ ташвишлантирмоқда. Улар оила қуришлари, шахар индустриясини ривожлантиришлари лозим. Кейинги кунларда шахарнинг ҳар бир шубҳа-ғумони асоссиз эмаслиги равшан бўлиб юлди. Шаҳарда қурилиб бол-

Шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Э. М. Рўзиев Э.У. докладыда партиянинг бош роли, оммага мафшураный тасвир ўтказишдан иборатлар, деб таъкидлади. Партия конференциясида да қайд этиб ўтилганидек, исевий ва интисодий ўқиш қандайд қайта қурилатганидан қи шаҳар партия комитетид бюросининг мажлисларида пленумларида, партия йигилишларида бир неча марта қуриб чиқилди. Аммо бунда ҳали қўпгина камчилик ва нуқсонлар мавжуд. Қўп машинистларнинг голий-йўл партия ва меодий савияси пастдир, ва молот ва баъзи партия ташкилотларида партия ташкилотларининг сифат состиғини етарлича эътибор бермаётганлар, бу нидан бўйүн товлаётган раҳбарлар измидан чиқмаптилар. Ан ҳолда саноат, қурилиш, хизмат соҳаси корхоналарининг биринчи раҳбарлари орасида атиги Э.У. пропагандист боллигини ни ма билан изоҳлаш мумкин. Э.У.тан ўқув йили ақуналар талиғина камчиликларини очиб ташлади. Имитхонларда 809 тингловчи «қоянқар» баҳо олган. Бунда мактаб диктанти учун эмас, балки қайта қуриш муаммоларига қарата қўп «қоянқар» баҳо берилган. Э.У.дан қўп ташкилот ва индустрия ташкилотлари

Конференцияда бюрократизм билан бир қаторда кадрларнинг иқтисодий жиҳатдан саводсизлиги турғунлик даври меросларидан бири эканлиги таъкидланди. Чунки ўша пайтда фақат бир нарсаси: юқоридан берилган кўрсатмаларни бажаришгина талаб этиларди. Эндиликда бундай яшаб бўлмайди. Аммо

шаҳар иқтисодий таълим ке-  
гаши машғулотларни ташкил  
этишнинг янги формаларини  
изламаяпти, ўқиб сифати ях-  
шилашнинг зарур, у экономи-  
кани қайта қуришнинг э-  
мухим вазифаларининг ҳа-  
ти билан дустур боғланма-  
гад. Номин ўзгартириш би-  
лангина чекланиб қолинади,  
яна энг осон йўл танланма-  
да. Масалан, коммунисти-  
кехнат мактаблари ўрни-  
га социалистик ҳужалик ю-  
ртиш мактаблари пайдо бў-  
лдию, аммо машғулотларни  
моҳияти аяваллиқдан қолдир-  
ди.

ди. Шаҳарда содир бўлаётган маданий, иқтисодий, социал жараёнлар раёлар учун таҳсил этилади. Санат ва ишлам ижобий силжиклар ҳар қаторда узилишлар ҳар севибли турганлиги қай этиб ўтилади. Ўзбекистон таллуғия заводи, цемента комбинати, нуруда материаллар заводи ҳамда шаҳар саноат махсусоти ишлаб қаришида энг кўп салмоққа эга бўлган бошқа бир қанча корхоналар бир маромид ишламаляти. Фақат техникавий сабаблар ҳам, талай даражада социал сабаблар ҳам коллективларнинг бир маромда ишламаслиғига олиб кмоқда. Шаҳар партия комитети, шаҳар ижроия комитетиниғлибли қолган социал муаммоларни ҳал этишга етарлиқ этишбери бермалятилар. Сўнга чиққан кишилар олдиди катта вазифалар турганлиги ни утириб ўтилади. Бейилликниғли туртинчи йиллани тиниш бўлади, уни боғжариш учун барча мавқуд зерлиқари сафарбар қилин талаб этилади, ҳар бир хадимнинг ташаббуси ва амиякорлиғига нег ижкомия хратили зарур бўлади. Шаҳар партия ташаббуси ҳар тарғилган тақрирларда фойдаланиб, омиа били маселаларни, кўпроқ натижаларга еришди, меҳнаткашларни КПСС XXVII съезди ва XIX Бутуниттидоқ партия конференцияси қарорларни бажаришга сафарбар қил олади.

Конференцияда Ўзбекистон  
ССР Министрлар Советининг  
Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров нутқ  
сўзлади.

ҲАЛ ЭТИЛМАГАН МУАММОЛАРГА  
АССИЙ ЭЪТИБОР

**КАШКАДАРЕ** область  
Косон районида партия  
конференцияси илгари белги-  
лаб, режалаштириб қўйилган  
сиёсий сценарийларга мувофиқ  
ўтказилгани йўқ. Район пар-  
тия комитетининг биринчи  
секретари К. Т. Тўйчиев қи-  
лганроғ иш ҳақида берган х-  
суботида, делегатларнинг  
нутқларида ишларнинг аҳ-  
воли атрофида таҳлил этилди.  
КПСС XXVII съез-  
ди, XIX Бутуниттифок пар-  
тия конференцияси қарорла-  
ри бажарилишиг бундан б-  
ғни йўллари белгиланди.

Озгич-онгач программисини ҳал этиш билан боғлиқ бўлган муаммоларга асосан эътибор берилади. Агросанат комплексиининг партия таъинлотлари бутун диққат-эътиборини шу программани баъдан қўллаш билан қўйиб, даврда районда зарар кўриб ишловчи хўжалиқлар камайди. Шу вақт ичда мамлакат миқяага тонна пахта, дон, гўшт, сўт олади. Утган йилнинг Узиндагина хўжалиқлар давлатдан қарзларини 30 миллион сўм миқдорда қайтартирди. Бу курастича қўйиб, Озгич-онгач амамо халқни қўла мамнун қила олмади. Озгич-онгач программиси раён учун ҳамон жуда долзарб ва кескин муамма бўлиб турибди. Уни теъроз қил ҳал этиш учун турли

воситалардан — ҳўжалик ҳисобидан, оила ва ижара пудратидан фойдаланиш, саноат корхоналарининг ёрдамчи ҳўжаликларининг, колхозчиларнинг, совхоз ишчиларининг шахсий ҳўжаликлари ривожланишни лозим.

Бу йил 500 га яқин коллектив пудрат усулида ишламоқда. Бу коллективларда меҳнат унвондорлиги бирмунча ошди, маҳсулоти таннарига арзонлашди. Шундай мисоллар келтирилди; «Партия XXII съезди» колхозидан А. Абдурахмонов бошлик пахтачи

лик бригадаси уч йил му-  
нядман гектар бошига 27  
центнер пахта олар эди.  
Йил якара пудратига ўт-  
гандан кейин, ҳар гектар е-  
рининг ҳосилдорлиги 17 цен-  
тер кузарилиди. Келгуси йил-  
да яна 100 гектар ерига пах-  
та колхоз ва совхозлар  
да уларга хизмат қилувчи  
қайта ишлаш корхоналари  
хўжалик юртининг янги  
шароитида ишлай бошлайди.  
Авалло хўжаликларнинг раҳ-  
барлари, бош мутахассислар  
қийда яхшилаб ўқитилиш  
ложим, улар меҳнат коллеж-  
ларида ўқиб, кўнрақларини  
ларинг ўргатишлари керак.

Район партия комитетининг  
биринчи секретари бошлаган  
принципиал гапни делегатлар  
қўлдаб-қувватлашди. «Больш-  
шевск» совхозин партокмо-

нинг секретари Б. Фармонов  
социал масалалар нарчаги  
якши ҳал этилса, кишилар  
нинг кайфияти шу қадар ку  
тариларди, ҳайрихоҳлик, рўй  
рост ва дилназ суҳбатга иш  
янилик шу қадар кучаяди  
деб таъкидларди. Ҳужайил  
коллективдаги маънавий-ру  
ҳий иқлим яхши, социал а  
тивлик ва меҳнат ғайратин  
юқори. Совхоздаги кўп иш  
лар яхшиланган бормоқда. Б  
лалар бечаларни қурйомло  
да, дала шийпонларининг ат  
рофи обдонлаштирилмоқда.  
Ҳашарларда ишчилар баж

нидлик қатнашмоқдалар.  
92-автомобиль қорқонсан  
нинг директори А. Тوشқуло  
Қосоннинг ўзиди бер тала  
сиотал муаммолар йигили  
қолганини таъйинлади. Аммо  
район Совети қарар қилди  
ки, бундай коммунистлар сун  
га бепаро қарамолларлар  
уларнинг активлиги тас. Об  
ласт партия комитетининг  
саноят масалалари билан шу  
гулланувчи секретари М.  
Гулимураевни област Совет  
депутатлиги номзод қили  
қўрсатганимизда унга ишона  
бидирган, амалдан ёрдан  
қилиб қўйилган. Аммо у  
унга нақзалар берган эди.  
Автомобил қурилишнинг  
даллатириш мана шу на  
қазиларнинг бири бўлган эди.  
Аммо у мақкур нақазларни  
бажариш учун ҳақи ҳеч на

са қилгани бұй, «Ленинград» совхозинин ишчиси Ф. Кеняеваға етиштирилген пиллага ҳақ тўлаш масаласини кўтариб чиқиди. Қанча-қанча идораларға, республика Давлат агроисноат комитетининг райси Х. Жўрабековнаға мурожаат қилдинг — бу масала, ҳақ бўлмағанини билдинг, бу масала Туркистанистон операциялар қўшниқ қўмағида тиворлар қил тайлаштанган совхоз ишчиларига маънулу Уларнинг табрибасидан ўйланганс бўлмайдими? 53-кўрғи совхоз директори Э. Бегимқулов «Карширтюр»ни қанқул таниқид қилди, бу ташкилот уй-жой, ҳўжалик объектедани куриллишида сустсанган қилластанини айдиди. Бошқа нутқлар ҳам конкрет бўлди.

Конференция район партия комитетининг янги сайланган бюросига айтилган танқидий мулоҳазалар ва тақлифлар таҳлил этиб, XIX Бутунитифод партия конференциясининг қарорлари асосида шундай мулоҳаза ва тақлифлар амалга ошириш юзасида қатъий қарор қабул қилини топишди.

Қосон район партия комитетининг янги сайланган бюросидаги ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. У. Холмухамедов нутқ сўзлади.

(Safar)

андист кадрлар составини яхшилашдан бошлады. Мухтасислар орасидан янги пропагандачилар танланди. Бир неча йилдан бери шуш билан шуғулланиб келатган пропагандачиларнинг малакисини ошириш учун зарур тадбирлар ишлаб чиқилди. Жумладан, энг тажрибали пропагандачиларни ўзларининг ёш ҳамкасбларининг ўз оталигига олишди. Қўшмудор Ғамуурдов, Ҳуманазар Ҳамроев, Исоқов Турсунов, Усмон Файзиев, Фарход Абдуллаев каби сарфхў ва иқтисодий билимлар тарғиботчилари аниқ шундай қилинди. Бу йил аниқ 8 жойда иқтисодий ўқув ташкил этилиб, машгулотлар олиб борилади. Тингловчилар Мамакаталов, Қўшмудорнинг янги таълимий системаси курсида ҳам таълим оладилар. Машгулотларнинг юқори савияда ўтishi учун зарур шарт-шаройлар яратилди, аудиотиреялар иккитадан, кўргазмалар қурулган билан таъминланди. Тингловчилар дукта билим олишлари учун ҳамма нарса муҳайё

Ульянов районндаги  
«Партия XX съезди»  
совхози партия комитети  
секретари.

Нуриддин Каримов биринчи бўлимдаги иқтисодий таълим мактабда уч йилдан буюн пропагандастик қилади. Касби— бухгалтер, изланувчан ва ялмондир. Шу билан бирга унинг зиммасидаги жамоат топиширғини ҳам энгил деб бўлмади. Пропагандастик чуқур билим, ишонтириш санъати, дунг ва маҳоратни талаб қилади. Айниқса, совхозмиз коллектив ва звеню пудрати усулида ишлаша тўла ўтгач, иқтисодий таълимга эҳтиёж кескин ошди.

Тингловчилар янги усулни моҳиятини, афзаллигини чуқур билишни истади. Шу боисдан Н. Каримовга ҳар бир машғулотни самараларга ўтказиш, тингловчиларнинг саволларига пухта жавоб бериш учун ўз устида қўп ишлашга, ўрганишга тўғри келди.

Натикалар-чи? Тингловчилар пропагандастикнинг жонқуярлиги ва берган таълимдан мамун. Уларни амалда қўлланishга интилиш тобора ортиб борапти. Бўлим деҳқонлари барча топиширғиклари остиги билан



# Акмал Икромов туғилган кунининг 90 йиллигига



Ўзбекистондаги айрим бошқа спорт йишотлари қўрилди.

Унинг ўзи ҳам спортга қизиқар, енгил атлетика билан мунтазам шугулланар, отда яхши юрар, пистолет ва милтиқдан ишонишни аниқ уярди. Акмал Икромов ҳамхўр оила бошлиғи эди. У ўз фарзандларини меҳнатсевар, ҳалол, жисмоний меҳнатдан қўрқмайди, кишилар қилиб тарбиялади. У иш билан ниҳоятда банд бўлишга қарамай, оиласи билан театр ва киноларга боришга вақт топарди. Унинг рафиқаси — Евгения Львовна Зелькина маълумоти аёл эди. У ҳаётининг сўнгги йилларида Ўзбекистон ССР деҳқончилик халқ комиссарининг ўринбосари бўлиб ишларди.

Оила тотув яшарди. Акмал Икромовнинг катта ўғли Уруғтуш шундай деб эслайди: «Отам Ленин партиясининг улуг ишига текис содиқ бўлиб, дохияга бўлган муҳаббатини биз, фарзандларига ҳам синдиришга муваффақ бўлди. Ленин номи бизнинг уйимизда болалигимиздан бошлаб энг қадри ном бўлиб қолган эди. Интернационализм, барча меҳнаткашлар қардошчилиги, буюк рус халқига бўлган меҳр-муҳаббат ва миннатдорчилик ҳисси — буларнинг ҳаммаси бизнинг уйимизда ҳамма, ҳамма нарсасида намоён эди».

Аммо, Акмал Икромовнинг қарашлари ҳаммага ҳам ёқиб тушмаганди. Сийсатдаги муроасазлик, Сталиннинг қўлини топишга уринишни истамаслик (Сталин миллий республикалар аҳолисининг муаммолари ва эзу оруз-умидларини фақат менгина билан, деб ўзини бую қўлган эди), репрессиянинг авж олишига қаршилик қўрқатилиши натижада Акмал Икромов қамолда қолди. «Умидсизликда ва «антисоветизм»да, «ўнг-тройчиликда» бўлишга мансублаштирилди. Акмал Икромов қирқ ёшга етмай, фожияли ҳалок бўлди.

Орадан кўп ўтмай, унинг рафиқаси ҳомилдор бўлишга қарамай, қамолда қолди, эри қаби отиб ташланди. Ўғиллари — Уруғтуш ва Қомил ҳам ҳибсга олиниб, узоқ йиллар могайида қамолда қолди. Ўғиллари Уруғтуш қўрилди. Лекин, улар коммунист оталарига ва унинг ишига садоқатини сақлаб қолди билди. Ўғиллар омон қолди. Акмал Икромов реабилитация қилингандан қамолдан озод этилганларидан сўнг, ўзларининг қатъийликлари ва матонатлари билан маълумот олди, жамиятимизнинг фаол аъзоларига айланди.

КПСС XX съезди Сталин шахсига сийиниши ва унинг партия ва халққа етказган фожияли оқибатини қатъий қораллади. Шундан кейин Акмал Икромовга тағаллан барча «айблар» асоссиз, тўғри чиқарилган деб тан олинди. У бутунлай реабилитация қилиниб, партия содиқ ўғлининг шоғли номи халққа қайтариб берилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарорига биноан, меҳнаткашларни коммунист руҳда тарбиялашда унинг асарлари катта аҳамиятга эгаллиги ҳисобга олиниб, Акмал Икромовнинг ут жилдан иборат танланган асарлари нашр этилди.

Республика коммунистлари ва барча меҳнаткашлар партиянинг улуг ўғлини хотирасини муқаддас сақламоқдалар. Унинг номи Тошкентдаги районлардан бирига берилган. Ўзбекистондаги бир қатор коллежлар, совхозлар, мактаблар, Самарқанддаги тарих, маданият ва санъат музейи Акмал Икромов номи билан аталмоқда.

Ленин мактабига мансуб партия аъзосининг хотираси халқ қўлида абадул-абад сақланиб қолди.

Р. ҒУЛОМОВ, республика Кенгазининг раиси.

У ҳаёт бўлиганида тўқсон ёшга кирарди. 1937—1938 йиллардаги Сталин ўтказган машъум оммавий репрессиялар партия ва халқнинг бу содиқ фарзандини орамиздан юлиб кетди. Ўзбекистон Коммунист партиясининг ташкилотчиларидан бири, унинг Марказий Комитети биринчи секретари Акмал Икромов хотираси қаршида бош эгар эканмиз, яна бир қарра унинг таржимаи ҳоли саҳифаларига фикран сажҳат қиламиз. Бу инсондаги прода кучининг буюклиги ва иқтилоб гоиларига садоқатини яна бир бор ҳис этиш учун шундай қилиш лозим. Чунки у тирик бўлганида ҳозирги кунларимизнинг қаҳрамони бўлиши турган гап эди.

Мана, унинг таржимаи ҳолидан айрим сатрлар: «1898 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. 1918 йилда Янгирма ёшида коммунистлар партияси сафига кирди. Ўз хотираларида эзгандек, «ушбу ташкилот катта эмас эди, у бир неча ўртоқдан иборат бўлиб, уларнинг қарийб ҳаммаси мени биларди...»

Ҳа, уни Тошкентда ахши билардилар. Акмал жуда ёшликдан боғлаб қўлида батраклик қилди. Катта бўлганида Тошкент курилшларида қорра ишчи бўлиб ишларди.

Партияга кириб, бутунлай ташкилий ва ёғитация ишларига берилиб кетди. Аини пайтда ўз устиди аўр бериб мустақил ишлаш бошлади. Марксизм-ленинизм классикалари асарларини асл нусхасида ўқиш ва бу таълимоти эгаллаш учун рус тилини мустақил ўрганишга киришди. Шу билан бирга уни Навоий, Фирдавсий, Низомий, Умар Ҳайём ва Шариф адабийотининг бошқа буюк наомандлари поэзияси ўзига ром этган эди.

1919 йил. Сийфий кураш ҳескин кучайган пайт. Акмал Икромов Тошкентдаги ақилин-қилобий исёни бостиришда фаол иштирок этди. Шундан сўнг партия уни Наманганга юборди. У бу ерда партия ячейкаларини тузиш бўйича катта иш олиб борди. Педагогик фаолият билан шугулланди.

1920 йилда уни партия ишига қўтардилар. У қаерда қийин бўлса — ўша ерда бўлди. Қишлоқ камбоғаларига ердам берди. Деҳқончилик масалаларини ҳал қилди. 1921 йил апрелда Туркестон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудир, сўнгра аса секретари бўлди. 1921 йил октябрда 23 ёшида Туркестон Коммунист партияси Марказий Комитетининг масъул секретари қилиб тасдиқланди.

Акмал Икромов В. В. Куйбишев, М. В. Фрунзе, Я. О. Рудзутак, Г. К. Орджоникидзе билан бирга ишларди. Ленин гвардиясининг жангчилари, большевик партия акачилари унинг партия раҳбари бўлиб етиштишга чукчур таъсир ўтказдилар. У бу йўрида бир неча марта маълумот ордали ҳам, ўз нуктлариди ҳам аўр хўрма билан эслаб ўтди.

Акмал Икромов Туркестон АССР Советларининг IX съездида Ишчи, деҳқон, қишлоқлар маччи ва казан депутатлари Советларининг VIII Бутуроссия съезди делегатлигига сайланди. Ушбу аниқманда биринчи марта Ленинни кўрди. Советларнинг IX Бутуроссия съездида делегат бўлиб, Илйични яна бир қарра кўриш ва эшитиш бахтига муассар бўлди. Советлар съезди иши давомда РКП(б) Марказий Комитетининг Ленин иштирокчидаги Пленуми ўтказилди. Пленумда Акмал Икромов Бутуроссия Марказий Ижроия Комитети аъзосиго сайланди. У дохия қандайди хотирани бутун умр давомда эъзослади.

Акмал Икромов Туркестонга қайтиб келган, В. И. Ленин томонидан Советларнинг IX Бутуроссия съездида олга сурилган вазифаларни амалга оширишга фаол киришди. Ер-сув ислохотини амалга ошириш, помелчин ҳўжалиқларини тутатиш, қўлоқлардан ортиқча ерларни тортиб олиш ишлари бойлар, реакция дин пешволари, Совет дохияматининг янйобланган бошқа душманларининг қаттиқ қарши-

лигига дуч келди. А. Икромов бунда ўзининг етук ходим эканлигини кўрсатди. Шу боис 1922 йил июлда Туркестон Коммунист партияси Марказий Комитети Сийсий бюроси унга берган характериникида шундай жумаларини ўқиш мумкин: «Эрт. Икромов ёш, бироқ иштирокчи ва содиқ ходим». Унинг Москвада, Я. М. Свердлов номидида коммунист университетда ўқиши ҳам А. Икромовга кўп нарсас берди.

Ўзбекистон Компартияси тузилган, унинг Марказий Комитети биринчи секретарлигига Владимир Иванович Иванов, масъул секретарлигига Акмал Икромов сайланди.

Уни бу кунларда Самарқанд ва Андижон, Урганч ва Тошкент, Сурхондар, Фарғона ва Қашқадарёнинг, бошқа областларнинг шаҳар ва қишлоқлари коммунистлари, ишчилари,

деҳқонлари орасида учратиш мумкин эди. Коммунистнинг отаини сўзи меҳнаткашларни янги ҳаёт учун фаол кураш олиб боришга даъват этарди. Акмал Икромов ишдаги нуқсонлар ҳақида дадиллик билан гапирар, ҳар нарсани тўғридан-тўғри ўз номи билан атар, танқиддан қўчимаслиққа, уни ҳар томонлама ривожлантиришга, большевикчиасига принципадиллигини ўрганишга қаҳирарди. У иқтилобий ёзувчилар жамияти ишда фаол иштирок этди. Ўзбекистон тарихи бўйича яратилган дастлабки асарлар билан танишди, партия тарихи институтининг илмий кенгаши составида хизмат қилди. Ленинизмни ташвиқ қилиш учун кўп ишларни бажарди. В. И. Ленин китоблари ва мақолаларини биринчилар қаторида туриб ўзбек тилига таржима қилди.

Партия раҳбари ўзбек хотин-қизларини озод қилиш масаласига катта эътибор берди. У Ўзбекистон Компартиясининг биринчи съездида партиянинг йўл қилиш тўғрисида гапирди: «Хотин-қизлар партияси-савон билан биргаллида уларнинг оёқ-қўлини эски турмушга боғлаб қўйган асрий занжирларни ҳам улоқтириб ташлайдилар, деб таъкидлаган эди.

Акмал Икромов фаолиятида маҳаллий миллатчиликка, буюк давлатчиликка шовинизмга қарши курашнинг, халқ омасини пролетар интернационализи ва халқлар дўстлиги руҳида тарбиялаш масалалари алоҳида ўрин эгаллади. Ўзбекистон Компартиясининг унчинъ съездида Марказий Комитет номидан Акмал Икромов ҳисобот доклады қилиб, у ленинча таълимот асосида миллий масала бўйича йўл қўйилган хатоларни чукчур очиб берди, ўзбек эъзилиларининг айрим қисми ўртасида намоён бўлган миллатчилик кўринишларини танқид қилиб қораллади. 1928 йил июлда ВКП (б) Марказий Комитети Пленумида Коммунист Интернационал программасининг лойиҳаси кў-

риб чиқилётганда А. Икромов Коминтерн программасига илгари қолоқ бўлган мамлакатларнинг капитализмни четлаб ўтиб, социализмга ўтиши тўғрисидаги ленинча назарияни киритишни таклиф қилди. Бу таклиф қабул қилинди.

Акмал Икромов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари лавозимида бундан кейинги ишларида ҳам миллий масалани амалий ҳал қилишга кўп куч ва ғайрат сарфлади. У ВКП (б) XV съезди минбаридан туриб: «Биз миллий масалани бизга Владимир Ильич кўрсатиб берганидек, партияимизнинг барча қарорларидан келиб чиққан ҳолда шундай ҳал қиламиз», — деб таъкидлади.

Шу муносабат билан Акмал Икромовнинг Сталинга ёзган мактуби катта қизиқини уйғотди. А. Икромов ўз мактубида «халқлар отасининг миллий масала бўйича амалга оширилиши керак бўлган фикрга жавобан ниҳоятда дадил танқидий мулоҳазаларини билдирган эди.

Акмал Икромовнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари лавозимидаги фаолияти даврида республикамизда туб социал-иқтисодий ўзгаришлар рўй бериб, улар партиянинг социалистик индустриаллаштириш ва қишлоқ ҳўжалигини коллективлаштириш режаларини бажариш билан боғлиқ эди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республиканинг ишлаб чиқарувчи кўчаларини ва маҳаллий ривожлантириш йўлини мамлакатнинг умумий социал-иқтисодий тараққиёти билан узвий боғлиқ ҳолда олиб борди.

Қишлоқ ҳўжалигини коллективлаштириш, уни амалга оширишдаги жиддий нуқсонларга (жўмладан, Ўзбекистонда ҳам шундай бўлган), қарамай, пахтачиликни ҳамда қишлоқ

лари мунтазам ривийшга кенгайиб борди. Университет маълумотиға эга мутахассислар тайёрланди. Бу соҳада Ўзбекистонга Москва, Ленинград, мамлакат бошқа шаҳарларининг институтлари катта ердам бердилар. А. Икромов Ўзбекистон КП (б) Марказий Комитети секретари сифатида ана шу масалалар билан яқиндан шугулланди.

А. Икромов партиянинг XII, XIII, XIV, XV, XVI, XVII съездлари делегатлигига, ВКП (б) Марказий Комитети аъзосиго кандидатлиқ ва ВКП (б) Марказий Комитети аъзосигога сайланди. У Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари бўлиб ишлаётган пайтда ВКП (б) Марказий Комитети Урта Осиё бюроси секретари қилиб тасдиқланди. Аини пайтда СССР Марказий Ижроия Комитети Президиуми аъзосигога кандидатлиққа, СССР Конституция комиссияси аъзосигога сайланди. Партия ва халқ олдидаги катта хизматлари учун Ленин ордени билан мукофотланди.

Акмал Икромов қандай юксак лавозимда бўлмасин, ҳамма вақт юксак ахлоқли, ҳаётда камтар инсонлиқига қолди. У партия съезди делегати анкетасини тузиш чоғида берилган, мулий аҳолининг қандай, деган саволга жавоб бериб туриб: «Қоринкаларим, чемодаларим, пальтом бор», деб ёзган эди. У санки кишидан иборат оиласи билан тўрт хонали квартирада турарди. Квартира ароон мебель билан жиҳозланган бўлиб, ҳар қандай ҳашамат ҳоли эди. Оила барча меҳнаткашлар қатори махсусотларни ўша йиллари жорий қилинган нарточкалар бўйича оларди.

А. Икромов бутун умри давомида болаларга муҳаббат билан ишарди. Унинг ташаббуси билан Тошкентдаги киязининг собиқ саройида Урта Осиёда биринчи пионерлар саройи очилди. У ўсиб келатган ёш авлодининг сийҳат-са-

## • Ҳодиса РАДИОАКТИВ ИЗОТОПЛАР ЙўҚОЛДИ

НУКУС, 12 ноябрь. (ЎзТАГ мухбири В. Луценко.) Қорақалпоғистон пойтахти милицияси ва санитария-эпидемиология хизмати маҳаллий университетдан ўтирилган радиоактив цезий манбааларини излаб, микро-районларнинг бирини тинтув қилмоқдалар.

Математика факультети янги бинога кўчиб ўтатириб, эски бинони истедотди болалар мактаби учун топшириб кетган эди. Бир вақтлар сотиб олинган, эндиликда эса нима учундир кераксиз бўлиб қолган физика факультети лабораториясиди приборларини мактаб қилинидаги «омборга» — капитал ремонт ҳисобига қўрилган ва ҳеч кимга қарамайдиган кичик бир бинога олиб бориб қўйилди. Тўғри, унинг деварларида панжара бор эди. Катта ўқитувчи Б. Оллобергенов панжараларнинг бутунлиги ва приборларнинг жойида турганлигини вақти-вақти билан текшириб кўрди. 31 октябрь кунини у қўшн мактабда машғулотларни бошлаган болалар, афтидан, ўта истедотди эканлиқларини пайкаб қолди. Панжара бузилган, приборларнинг бир қисми, шу жумладан никита ГП-2 зичлигини ўлчовчи гамма прибори гоийб бўлган экан. Бу приборлар радиоактив цезий билан тўлдирилган бўлиб, у билмасдан ишлатилган тақдирда жиддий ҳавф туғдиради.

Ташвишли хабар тарқатилди, шундан кейин болалар баъзи приборларини олиб келишди ёки ташлаб кетишди. Ҳавфли приборларнинг бири ҳам топилди, аммо унинг радиоактив манбаи йўқ эди. Б. Оллобергенов, физика факультети декани Б. Абдукамоллов ва ректор вазифасини бажарувчи К. Утеиёв билан суҳбатлардан аниқлаштириш, приборларни ҳисобга олишга ҳамма нарсаси чиғал-уларни сақлаш қоидалари бўлиб келинган ва ҳўмон бўзилмоқда. Маҳаллий маъмулар шаҳар аҳолисини кенг хабардор қилиш тўғрисида жон кўйдирмаган. Тўғри, омборнинг эшиклари муҳракб қўйилган, аммо панжара кўчириб олини-

## КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

Фафур Ғуллом номидида Адабий ва санъат нашриёти куйидаги китобларини йон этди:

Уласам Жамоил. Оруз колдузи. Шеърлар, газаллар, достон ва таркиманлар. 176 бет. Баҳоси 75 тийин.

Қардош Тожикистонда яшаб, икки тилда ижод қиладиган Уласам Жамоилни ўзбек китобхони газалнавис шонор сифатида ахши биларди. Бу макмула кинитилган асарларнинг кўпчилиги қўшнлардан иборат.

Учқун Назовар. Ўзгалар учун. 224 бет. Баҳоси 85 тийин.

Китобга қиссалар, ҳикоялар ва драматик асар киритилган. Қиссаларда инсон тақдир, унинг кечинмалари, ўзлиги атрофида муқомада этилади.

Саъдулла Кароматов. Ўттиқол. Қиссалар. 352 бет. Баҳоси 1 сўм 60 тийин.

Китоб ёзувчининг турли йилларда ёзилган замонавий мавзудаги қиссалари ва бир неча ҳикояларидан ташкил тоган.

«Ўқитувчи» нашриётида чиқарилган янги китоблар:

А. Саъдиев. Мантабада тарих ўқитиш методикаси. 224 бет. Баҳоси 70 тийин.

Китобда тарих дарси олдиға қўйилган ҳозирги юксак талаблар, дарс турлари, уларни ташкил этишнинг форма ва методлари ёритилди.

Авторлар коллективи. Не мис тили дарслиги. 184 бет. Баҳоси 70 тийин.

Педагогика институтлари сийти бўлими студентлариға мўъалламанган дарслиқда уларнинг немис тилини мустақил ўрганишлари бўйича йўл-йўриқ ва кўрсатмалар берилган.

П. Баратов. Ер билими ва ўлкашуносликдан амалий

## • Спорт

КУПҚУРАШ: АНЪАНАВИЙ БУЛАДИ

Деновада интернационалист жангчи Юрий Черников хотирасига бағишланган бутунити-фоқ турнири ўтказилди. Спортнинг ҳарбий-амалий купқураш тури бўйича ўтказилган бу муносабатда РСФСР, Озарбайжон, Туркистон ва Ўзбекистон командалари қатнашди. Бундай мусобақанинг Деновада ўтказилиши бекоз эмас. Бонси, Юрий Черников шу ерда туғилиб, ўсган. Афғонистон Республикасида ўзининг интернационал бурчини адо этатганида қаҳрамонларга ҳалок бўлган. Унинг жасорати «Қизил юлдуз» ордениға лойиқ қўрилган. Ю. Черников хотирасига бағишланган дастлабки мусобақада эса Россия Федерацияси кўпқурашчилари муваффақият қозонди.

Тошкент ва Озарбайжон спортчилари иккинчи ҳамда учинчи ўринларни эгаллашди. Мусобақани анъанавий ўтказишға қарор қилинди.

Қўлланмада мактабда физика предметини ўқитиш жараёнида айрим химиявий тушунчалардан фойдалана олиш методлари кўрсатилган.

С. Боровик, М. Бродский. Радиоприменениялар ва уларнинг ремонт. 312 бет. Баҳоси 70 тийин.

Китобда ярим ўтказишчи приборлардан йиғилган радиоаппаратураларнинг принципал схемаларини ўрга ниш, ремонт қилиш, созлаш ҳақида сўз боради.

## ЧИМ ХОККЕЙ: БАТУТ; УЧТАДАН ОЛТИН

Борисполнинг «Колос» хоккейчилари «Саязист» (Оламота) коллективини 5:1 ҳисобида ютиб, муаддатдан илгари мамлакат чемпион бўлишди. «Колос» бу билан туртинчи марта чемпионатнинг олтин медалларини қўлга киритишди. Мавкеини мустақамлашға ҳаракат қилётган «Ан-дижанка» қизилари Горький трамвай-троллейбус бошқармаси хоккейчилари билан ўйнаб (1:0, 2:0), очколарини бонитди.

ВОЛЕЙБОЛ: ЎТЛАЛАНМА ОЛИШДИ

Қўқон болалар ва ўсмирлар спорт мактаби волейболчиларини бутунитифоқ мусобақасининг ярим финал бексига ўтказди. Асосан, маъмур мактаб талабаларидан ташкил топан терма команда зонал мусобақаларини муваффақиятли ўтказди. Ярим финал мусобақалари келеси йил бошида ўтказилади.

Редатор Л. ҚАЮМОВ.